


Шайтонларга жаҳаннам азобини тайёрлаб қўйдик



10:03 / 23.02.2019 3804

Аллоҳ таоло Мулк сурасида шундай марҳамат қилади:

عَذَابَ لَهُمْ وَأَعْتَدْنَا لِلشَّيْطَانِ رُجُومًا وَجَعَلْنَاهَا بِمَصْبِيحِ الدُّنْيَا السَّمَاءَ زِينًا وَلَقَدْ

السَّعِيرِ

«Ва батаҳқиқ, Биз дунё осмонини чироқлар билан зийнатлаб қўйдик ва уларни шайтонларга отиладиган нарса ҳам қилиб қўйдик. Ва у(шайтон)ларга ловуллаган олов азобини тайёрлаб қўйдик» (5-оят).

Бу ояти карима назаримизни осмоннинг жамолига жалб этади. Ҳақиқатан, қоронғи кечадаги юлдузли осмоннинг кўриниши кўп ажойиб, сеҳрли.

Айниқса, саҳрода, денгизда ва шу каби очиқ жойларда кетаётган кишилар учун бу манзара яққол кўринади. Шу билан бирга, мазкур юлдузлар шайтонларга отиладиган учқунларнинг ҳам манбасидир. Жаноби Пайғамбаримиз Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида араб фолбинлари «Бизнинг шайтонларимиз осмонга чиқиб, ғайбдаги нарсаларни билиб беради», деб мақтанар эдилар. Қуръони карим буни рад этиб, бу дунёда юлдузлардан ажраб чиққан учқунлар шайтонларни қувиб ҳайдашини, у дунёда эса уларга Аллоҳ таоло жаҳаннам азобини тайёрлаб қўйганини таъкидламоқда.